

**ЎЗБЕК ТИЛИДА БАЪЗИ МОРФОЛОГИК БИРЛИКЛАР
ВОСИТАСИДА “ЖИНС” КОНЦЕПТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**ВЫРАЖЕНИЕ КОНЦЕПТА «ГЕНДЕР» ЧЕРЕЗ НЕКОТОРЫЕ
МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

Йигиталиев У.С.

доктор философии по филологическим наукам, доцент кафедры узбекского языка, Коканд ГПИ (Узбекистан)

Умиджонов Ш.

Солижон-зода Х.,

Мамадалиева Н.,

Самижонова А.,

Холматова Т.,

студенты Кокандского государственного педагогического института

Аннотация:

Ушбу конференция тезисида ўзбек тилидаги баъзи морфологик воситалар ёрдамида “жинс” концептининг ифодаланиши масаласи тадқиқ этилган.



Калит сўзлар: морфологик восита, концепт, жинс, субъектив баҳо, шахс оти.

Аннотация:

В тезисах конференции исследуется вопрос выражения понятия «гендер» с помощью некоторых морфологических средств в узбекском языке.

Ключевые слова: морфологический инструмент, концепт, род, субъективная оценка, личное существительное.

Ўзбек тилида “жинс” концептининг морфологик бирликлар орқали воқеланиши кенг тарқалмаган. Фақат эркалаш каби субъектив баҳо шаклларининг айримларида учрайди. Чунончи, «эркалаш» белгиси орқали субъектив баҳо шаклларидан айримлари фақат кишиларга атаб қўйилган номларга, қавм-қариндошликни билдрувчи сўзларга кўшилади ва бу грамматик шакллар, асосан, эркалаш, севиш ҳиссини ифодалайди. -бой, -бек, -шо, -мирза, -қул кабилар фақат эркаклар исмига; -ой, -гул, -бону, -бека, -биби,

-нисо,-ниса,-бодоқ,-чирой кабилар хотин-қизлар исмига қўшилади. Келтирилган ҳар иккала ҳолатда сўз кўринишидаги грамматик шаклларнинг баъзилари ўзаро ички синонимик қатор ташкил этади: Матлабхон // жон // ой // нисо; Эргашжон // бой // бек // қул каби.

Айрим эркалаш оттенкали шакллар нутқда кам қўлланмоқда (-қул, -нисо, -бекаҷ, -бону). Шу билан бир қаторда ўзбек тилида, айниқса, марказий шаҳарларда ёшлар нутқида баъзан русча эркалаш шакллари ҳам учрайди: Назарчик (Назар). Лолячка (Лола), Адик (Адиба) каби.

-жон шакли сўзга қўшилиш ўрни қатъий эмас. У нейтрал сўз охирига, олдига ёки ҳар икки томонга қўшилиб келиши мумкин: Гулноржон, жон Гулнор, жон Гулноржон. Бундай қўллаш сўзловчининг (одамнинг – У.Й.) ҳис-ҳаяжони, нутқининг функционал услубига боғлиқ.

Субъектив баҳо шакллари ифодалаган коннотатив маънолар ўзи бирикиб келган негизлар англатган лексик маънога уйғун бўлиши керак. Акс ҳолда, стилистик нуқсон вужудга келади. Жумладан, «кичик» сўзи семантикасида белги миқдори камлиги англашилади. Шунинг учун ҳам унга кичрайтиш маъноли -ча грамматик шакли қўшилмайди (кичикча дейилмайди). Балки эркалаш маъноли -кина шакли қўшиллади (кичкина). Худди шунингдек, «катта» сўзига ҳам -ча шакли қўшилмайди (каттача дейилмайди). Чунки бу сўздаги белги-миқдор даражаси ортиклиги бунга йўл қўймайди. Бу ҳодиса қолган барча субъектив баҳо шаклларига ҳам таалтуқлидир.

Тил бир хил элементнинг такрорини ёқтирмаса-да, сўзловчи ёки ёзувчи маълум услубий мақсад учун сўз ёки сўз шаклларини қават-қават ишлатаверади. Қаватланиш лексик (улуг айём кунлари; туз-намак бўлдик) ва морфологик (қизалоқча, бўталоқча каби) кўринишларига эга.

Субъектив баҳо шаклларини қаватлантириб қўллаш орқали нутқ таъсиричанлиги оширилади, тасвирланаётган воқеа-ҳодисага салбий ёки ижобий муносабат таъкидланади. Субъектив баҳо шаклларидағи плеоназим шу шаклларга хос кичрайтиш ва эркалаш маъноларининг бир-бири билан узвий боғланганлигидан келиб чиқади. Бундай такрорланган грамматик шаклнинг биринчи қисми кўпинча кичрайтиш маъносини билдирса, иккинчи қисми эркалаш маъносига эга бўлади. Субъектив баҳо шаклларига хос бўлган юқорида қайд этилган коннотатив маънолар бадиий тасвирда нутқининг ифодали бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ёзувчиларимиз ўз асарларида бундай қўшимчали сўзлардан унумли фойдаланадилар.



Морфологик сатҳда «жинс» концептининг айрим морфологик сўз шакллари орқали вербаллашуви кўзга ташланади. Хусусан, машғуллик семаси асосида жинсни фарқловчи шахс отлари, шунингдек, отларнинг айрим эркалаш шаклларида «жинс» концепти воқеланади.

Ўзбек тилидаги машғуллик семасига эга шахс отлари жинсни фарқлаш хусусиятига эга. Масалан, сурнайчи, карнайчи отлари тил эгалари тасаввурида эркак киши образини гавдалантиради. Каштачи, доя каби шахс отлари эса аёл жинсига ишора қиласиди. Бу жиҳатдан, машғуллик семасига эга шахс отлари бевосита «жинс» концептини воқелантирувчи бирликлар ҳисобланади.

Машғуллик семасига эга шахс отларининг лексикографик талқини бўйича тадқиқот олиб борган Н.Зайнiddинова шахс микромурухидаги эркаклар жинсини ифодаловчи шахс отларининг бир мунча кўплиги, аёллар жинсига алоқадор бундай отларнинг эса кам миқдорни ташкил этишини алоҳида таъкидлайди.

Н.Зайниддинова томонидан тўпланган материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек тилида машғуллик семасига эга аравакаш, баковул, белкаш, имом, саркарда, қоровул, дарвеш, карнайчи, кунчи, муҳрдор, подшо, амир, сўфи каби шахс отлари эркак кишиларга нисбатан ишлатилади. Аксинча, каштачи, йўрмадўз, дўппидўз, доя, попопчи, отин, гиламчи (гиламдўз) отлари эса аёлларга нисбатан қўлланиб, жинсни фарқлашга хизмат қиласиди.

Фикримизча, машғуллик семасига эга шахс отларининг кўпчилиги эркак жинсига ишора қилиши азалдан оила бокувчиси ҳисобланиб келган эркакларнинг турли касб-хунар, машғулотлар билан шуғулланиб келганлиги билан боғлиқ. Аммо аёл жинсига ишора қилувчи бу типдаги лексемалар ҳам ҳозирги кунда беҳад кўп, негаки аёлларимиз ҳам ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг, бошқача айтганда, жамиятнинг барча бўғинларида фаол иштирок этмоқда.

Маълумки, отларнинг -жон, -хон, -ой каби эркалаш шакллари шахс билдирувчи отларга қўшилиб, эркалаш, суйиш каби коннотатив маъноларни ҳосил қиласиди. Аммо бу аффикслар айрим турдош отларга қўшилиб, улар асосида атоқли отларнинг шаклланишида иштирок этади. Масалан, -жон аффикси ўрмон турдош отига қўшилиб, эркалаш маъноси билан бирга унинг атоқли отга кўчишида қатнашади. Шу билан бирга, ушбу отда «жинс» концептининг фарқланишига ҳам хизмат қиласиди. Масалан: Ўрмонжон кўп ҳам тўлиб-тошиб юрган экан, юрагини роса бўшатди. (А. Қаҳҳор)



Англашиладики, ўрмон турдош отининг атоқли отга кўчишида -жон аффикси ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ҳолат -хон, -ой аффикслари иштирокида ҳосил бўлган Қизлархон, Ўғлой атоқли отларда ҳам кузатилади. Бу атоқли отлар орқали «жинс» концептининг воқеланишида -хон, -ой аффиксларининг ўрни катта. Шуниси характерлики, «жинс» концепти мазкур турдаги атоқли отлар билан ассоциатив алоқага ҳам кириша олади. Албатта, тил эгалари томонидан «жинс» концептига нисбатан берилган Қизлархон ёки Ўғлой жавоб реакциялари стереотип ассоциациялар бўла олмайди. Бундай ассоциациялар индивидуал характерга эга бўлиб, айрим тил эгалари хотирасидагина тикланади. Тил эгаси Қизлархон, Ўғлой исмли кишиларни таниса ва билса, унинг хотирасида ушбу кишиларнинг исми ёдга келиши мумкин.

Использованная литература:

- 1.Umidjon Yigitaliyev. O‘zbek tilida konseptning assotsiativ-verbal tadqiqi (Monografya). –Toshkent: “Lesson press”, 2023. – 130 b.
2. Umidjon Yigitaliyev. The transposition of the concept of "man" in the uzbek language in the semantics of verb tense forms. ASEAN Journal on Science & Technology for Development Vol 39, No 4, 2022, 423-431 423.
3. Umidjon Yigitaliyev, Shohruhbek Umidjanov. THE ROLE OF THE CONCEPT "MAN" IN THE FUNCTIONAL-SEMANTIC AND ASSOCIATIVE-VERB EXPRESSION OF THE FORMS OF THE CATEGORY OF CASES (on the example of Uzbek-language sources) // Journal for Educators, Teachers and Trainers, Vol. 14 (5) 18-22 / DOI: 10.47750/jett.2023.14.05.004
4. UmidjonYigitaliyev, Shohruhbek Umidjanov (2023). The Role Of The Concept "Man" In The Functional-Semantic And Associative-Verb Expression Of The Forms Of The Category Of Cases.Journal for Educators, Teachers and Trainers,Vol. 14(5). 18-22
- 5.Umidjon Yigitaliyev. Gapning kommunikativ qurilish jarayonida “shaxs” tushunchasining deyktitk ifodalanishi// – Toshkent, 2020. Jurnal: O‘zbek tili va adabiyoti, 5-son. –B. 99-103.
6. Yigitaliyev U. Grammatik shakllar paradigmasi va unda “shaxs” lingvistik zarrasining ifodalanishi. Qo‘qon DPI. Ilmiy xabarlar. –Qo‘qon, 2022. 2-son. –B. 104-107.
7. Умиджон Йигиталиев, Шоҳруҳбек Умиджонов. Стилистик воситалар парадигматикаси ва унда “жинс” концептининг вербал ифодаланиши// “О‘rta osiyodan anado‘ligacha: Turkiy xalqlar tili, tarixi, madaniyati va etnografiyasi”



Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Paris, France.

Date: 19th December, 2023

ISSN: 2835-3730

Website: econferenceseries.com

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya MATERIALLARI TO'PLAMI.
2023-YIL 19-OKTABR. 1-KITOBI. –Navoiy,2023. – B.171-174.

8. Umidjon Yigitaliyev, Shohruhbek Umidjonov, Xonzodabegim Solijon-zoda. TIL - MILLATNING TARIXIY-MADANIY MEROSI SIFATIDA // “Filologiyaning dolzARB masalalari” mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Farg’ona, 2023-yil 4-noyabr. –Farg’ona,2023. –B.152-155.

<https://jett.labosfor.com/index.php/jett/article/view/1997>

9. Umidjon Yigitaliyev,Shahrukhbek Umidjanov, Xonzodabegim Solijon-zoda. Expression of the concept "man" in the system of morphological forms of the uzbek language // Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences/ Toronto, Canada, 2023. –P.227-233



E-Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings